

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги
Вазирлиги
Тошкент давлат аграр университети
Зоотехния факултети
“Зоотехния” кафедраси
Бакалавриат 5620600-“Зоотехния” (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди. №____баённома.
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Б.Амантурдиев
“ ____ ” _____ 2014 й

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети декани,
доцент _____У.Ш.Балласов
“ ____ ” _____ 2014 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИ

Мавзу: Янги организмлар туғдириш.

Бажарди: 4-92 гуруҳ талабаси

Бердиев Икром.

Илмий раҳбар:

Зоотехния кафедрасининг
доценти, қ.х.ф.н

Холматов А.

Такризчи: Ипакчилик кафедраси
мудири, доцент

Дониёров У.

Тошкент 2014 й.

Мундарижа.

I.Кириш.....	3
II.Адабиётлар шарҳи.....	8
III.Омон Бобо фермасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги.....	16
IV.Шахсий қисм.....	23
4.1.Сангардакдаги Омон Бобо фермасини таърифи.....	23
V.Хусусий қисм.....	31
5.1.Тадқиқотни мақсади, вазифалари манбаи ва унда қўлланилган усуллар.....	31
5.2.Тажриба натижалари ва шарҳи.....	36
5.2.1.Улоқларни экстерери. Конституцияси ва ўсиши.....	36
5.2.2.Улоқларни ривожланиши.....	41
5.2.3.Улоқларни ўсиш ва ривожланишини иқтисодий самарадорлиги...	43
VI.Хулоса.....	45
VII.Тавсия.....	46
VIII.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	47

Кириш.

Республика қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш асослари яратилди. Тармоқда мулкни давлат тасаруфидан чиқаришга ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият берилди. Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Бундай ҳуқуқий базанинг яратилиши иқтисодий илоҳатларни чуқурлаштиришга замин яратди.

Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримовнинг (2005) таърифи бўйича – “Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш асоси сифатида фаолият кўрсатишлари лозим. Чунки иқтисодий жихатдан эркин бўлган фуқаро, ҳуқуқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишда, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни, бойитишга ҳам қодир бўлади”.

Ерни фермер хўжаликларига 50 йилгача бериш тизими яратилди. Ер олган фермер даромад ола бошлади, ўзини эркин ва мустақил ҳис қилди. Фермер хўжаликларини рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий ҳам ташкилий шарт-шароитлар янада мустаҳкамланди.

Т.Фармонов, П.Қосимбековларнинг (2005) таъкидлашича фермер хўжаликлари мустақил субъект сифатида ўзининг тўлиқ фаолият кўрсатиш ва ривожланиш асосларига ҳос бўлган қуйидаги тамойиллари ишга солинмоқда: иш жараёнига барча шерикларни эркин танлаш ва улар билан ўзаро муносабатларини мустақил ўрнатиш;

- фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини амалдаги қонунларга биноан 50 йилгача, аммо 30 йилда кам бўлмаган муддатга тўлиқ ижарага олиш.

- барча ишлаб чиқариш воситалари – турар жой, техника, чорва моллари каби қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа фаолият учун зарур бўлган воситаларга тўлиқ эгалик қилиш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш таркибини мустақил белгилаш ва маҳсулотни сотиш ҳамда олинадиган даромаддан фойдаланишга тўлиқ эркинлик;

- фермер хўжаликларни давлат томонидан молиявий – иқтисодий ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

- хўжаликни мустақил бошқариш ва унинг фаолияти учун тўлиқ иқтисодий жавобгарлик;

- аъзоларнинг хўжаликда юқори ҳосил ва маҳсулдорликка эришиши учун ўзаро ҳамжихатликдан меҳнат қилиш;

- фермер хўжалиги аъзоларига давлатнинг ижтимоий-таъминот қарилик, ногиронлик ва маълум бир вақт меҳнатга лаёқатсиз бўлганда тўланадиган нафақаларни олиш ҳуқуқи кафолатганлиги.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунда юқорида келтирилган тамойиллар баён этилган. Унда кўрсатилишича “Агарда сизнинг фаолиятингиз давомида ушбу тамойиллардан мободро биронатасига амал қилинмаса, унда сизнинг фермер хўжалигингизни тўлиқ равишда фаолият юритиётган фермер хўжалиги деб бўлмайди”.

Ҳозирда фермер хўжаликлари белгиланган ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ўз фаолиятларини юритмоқдалар. Маълумки, фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб 1998-йил апрел ойида қабул қилинган “Ер кодекси”, 2004-йил август ойдан кучга кирган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

асосида тасдиқланган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, фермер хўжалигининг устави ҳисобланади (О.Олимжонов ва бошқалар 2005).

Келтирилган қатор қонун ва фармонлар асосида республика чорвачилигида энг аввало олиб бориладиган иш Ўзбекистоннинг қишлоқда яшайдиган барча чорвачилик фермерларини ва аҳолисини шахсий хонадонларида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни талабини қондириш ҳамда енгил саноатни хомашёга бойитишда эчкичилик муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз ўзининг географик шароитига кўра бу тармоғини ривожланишига анча қулайликлар яратмоқда.

Ўрта Осиё халқлари эчкиларидан қадим замондан буён фойдаланиб келган, ҳаттоки халқ ўйинлардан (кўпқари) бирида эчки танаси (сўйилган ҳолатда) жуда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари улардан турли маҳсулот олиш мумкин дигар сут, жун, тивит, гўшт, тери, эчкилардан олинган сут одамлар учун жуда қимматбаҳо озуқа дигар. Баъзи жойларда эса эчки гўштига бўлган талаб жуда ҳам юқоридигар. Эчкилардан олинган гўшт ўзинининг тўйимлилиги бўйича қўй гўштига ўхшайди. Бу ҳолатларни инобатга олиб эчкиларни ривожига катта эътибор берилган.

Ўзбекистонда қадим замонлардан буён маҳаллий эчкилари урчитилиб келинган улар кам Наманган вилоятининг Поп, Чуст тумани хўжаликларидан маҳаллий эчкилар маҳсулдор бўлганлиги учун ангор ва совет жундор такалари билан чатиштирилиш натижасида замонавий талабга жавоб берадиган жундор эчкичилик йўналиши вужудга келди.

Бу эчкилар Ўзбекистон Республикасини турли туманларида урчитилмоқда ва юқори сифатли жун бериш қобилияти билан ифодаланади. Бу эчкиларни жуни (могер) сифатли бўлиб ҳисобланади турли буюмлар таёрланишида ишлатилмоқда.

Бугунги кунда бу етиштирилган эчкилар ўзбек жундор эчкилари деб юритилаётган эчкилар ўзларининг гўшт ва тери бериш қобилиятлари билан

Ўзларининг маҳаллий аجدодларидан фарқ этмоқда. Буни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти мамурияти ва эчкичиликни ривожланишини янада жонлантиришни кўзлаганлар. Бунга Республикада 2006, 2008, 2009-йилларда қабул қилинган қарорлар, фармонлар ва тавсиялар далолат бўлади. Бинобарин олинadиган маҳсулот ҳозирги замонга келиб эчкичиликдан етарли деб бўлмайди шу сабабли бу соҳада ишлайдиган ишчиларни олдида катта вазифалар турмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохатлар ва уларга амал қилиш халқимизни фаровон яшашига қаратилган бўлиб дастурхонимизни чорва маҳсулотларига тўлдиради. Энг аввало И.Каримовнинг таъкидлаганидек уларни етиштирилиши фермер хўжаликлари қолаверса шахсий хонадонлар, орқали эчкичиликни тўғри йўлда ривожлантириш учун амалга оширилади соҳага этиборни кучайтирмоқ лозим ва ишлаб чиқаришга янги пайдо бўлаётган хўжалик шакллари жорий этилмоғи зарур. Чорва соҳасидаги барпо этилган илғор ва янги технологиялардан кенг фойдаланмоқ эчкичиликни ривожланишига ва рентабеллигини оширишга бевосита ўзининг таъсирини ўтказади.

Республикамиз хўжаликларида эчкичиликни ривожланишига ва маҳсулдорлигини оширишда бўлаётган этибор яхши натижалар бермоқда, давлат наслчилик хўжаликлари ташкил этилган ва селекцион ишлари йўлга қўйилган.

Сўнги йилларда республикамиз ичидаги бўлаётган ислохатлар чорва соҳасига шу жумладан эчкичиликка ҳам путур келтиради, аммо унинг ривожланишига тормоз қилиб бўлмайди. Чунки мустақил бўлган Республикамизни чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондирилиши меъёрий даражада эмаслиги ва И.А.Каримовнинг (2009) таъкидлаганидек жаҳон инқирозини енгиб чиқиб уни барқарор ривожланишини таъминлаш эчкичиликдаги наслчилик ишлари ва янада уларнинг маҳсулдорликларини

кўпайтириш йўллари қидирмоқ мақсадга мувофиқ иш бўлади деб ҳисобланади.

Ўйланган ишларни амалга ошириш халқимизни соғлиғига қаратилган ва ундан қайтиб бўлмай балким кучайтирмоқ лозим. Ҳозирги кунда бу ишларни амалга оширишга катта имкониятлар яратилган. Бинобарин шахсий ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ҳозирда олиб борилаётган иш унга дастак бўлмоқда. Шу мақсадда биз бажариладиган ишимиз бир заруриятдир деб ўйлаймиз ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонлари селекционер ишларини олиб борилишига яқиндан ёндашилган бўлиб мавжуд эчкиларни махсулдорлигини ошириш янги зот ичидаги сермахсул зот типларини яратишга сурувларни янгилашга тўлдиришга ва такомиллаштиришга олиб келади деган фикирдамиз.

II. Адабиётлар шарҳи.

Чорвачиликда энг муҳим ишлардан бири бу улардан авлод олиш ва уларни бақувват қилиб ўстиришдир. Чорвачиликни, эчкичиликни ва қўйчилик соҳаларида бу мавсумий ишдир ва кўпинча жойларда эрта баҳор ва баҳор ойларида, баъзан жойларида (яхши шароит яратилган) эса бу мавсум қишга тўғри келади. Эчкилардан ва бошқа барча тирик организмлардан олинадиган авлод жуда кўп олимларни ўзларига ром қилган ва унинг асосида ўзгариб боради ва тегишли махсулот омили бўлиб қолади. Бу ишни зоотехния соҳасидаги олимлар қадим замондан буён кузатиб улардан тўғри фойдаланганлар. Ч.Дарвин (1951) фикрига кўра табиат ва муҳит организмларга ўзининг таъсирини ўтказади шу сабабли турлар типлар ва бошқа турли организмалар табиатда вужудга келган, етилган, ўсган, ривожланган ва махсулот берган. Демак тирик организм ўсиш ривожланиши ва муҳитга қўниқиш қобилиятига эгадир. Маълумки барча тирик организмлар бу даврни икки ҳолатда ўтади биринчиси она қорнида ва эмбрионал давр билан ўтади, иккинчиси эса туғилганидан сўнги ёки бўлмаса постэмбрионал даврдир (Борисенко Е.Я – 1967).

Бу даврлар ичида янгитан пайдо бўлаётган организмда сон ва сифат ўсишлари ва ўзгаришлари рўй беради. Демак жинсий хўжаликларининг бир ярмига (эркак ва урғочи) қўшилиши ёки уруғланиши зигота вужудга келиб у кўпаяди ва сифат ўзгаришларга айланиб эмбрион таркибига келади ва она қорнида ҳаёт кечиради. Маълум вақт ўтгач эчкиларда 150-155 кун бу эмбрион онасидан туғилади ва мустақил ҳаёт кечиради. Организмни ўсиш ва ривожланиши процесслари якунланиб қолмай то ўлгунча давом этади ва турли организмларда турли шаклларда ўтмоқда. (Лесси Д.Ж – 1932).

Бу процессни ўзига хос қонуниятлари мавжуд бўлиб жуда кўп омилларга боқлиқдир.

Масалан Мамеров И.Г (1969) ни фикрига биноан совлиқларни қўзиларини ва она эчкиларни сутдорлиги қўзиларни ва улоқларни ўсишига ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Муаллифни фикрига кўра қўзилар ва улоқлар янги туғилганида она сути ёки оғиз сутдаги тўла қимматли оқсилни, ёғларни, углеводларни, витамин, минерал моддаларни ва бошқа турли моддаларни ва бақувват ҳамда соғлом бўлиб ўстирилади.

Оналарни сутдорлиги улоқларни ўсишига таъсир этиш кўп олимлар томонидан қайд этилган (Земенский Г.Г – 1971, Мамадалиев Ф.Х, Н.У Абдукаримов 1990, Зеленский Г.Г ва Қораев К (1950) она эчкиларни сутдорлиги билан улоқларни ўсиши ва бақувват бўлиши тасдиқланган. Сути кам бўлган эчкиларни улоқлари нимжон, кам ҳаракат бўлиб ўсган, серпуштлик эчкиларни улоқларини тирик вазни тез кўпайган улоқлар бақувват мустаҳкам ҳамда кўп ҳаракатчан бўлиб етилган (Зеритовский В.С – 1980). Шунингдек олиб селекцион ишларнинг юритилишида сутдор она эчкилардан олинган улоқларни алоҳида гуруҳга ажратиб олиш ва улардан келажакда фойдаланиш ёки бўлмаса наслий ядро ташкил этиш мақсадга мувофиқ иш бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ёш организмни ўсишига ва ривожланишига нафақат она сути ўзининг таъсирини ўтказмоқда олимларни фикрига биноан бу процесс оналарнинг ёшига ҳамда парваришlash услубига ҳам боғлиқ (Имбе Б.Г – 1955).

Самаралиев Т (1986) турли ёшдаги ҳисори совлиқларни қўзиларини ўсиши ва ривожланишини ўрганган ва ўрта ёшдаги совлуқлардан олинган қўзиларни бошқа ёшдаги совлуқлардан олинган қўзиларга нисбатан устун келганини таъкидлаган.

Ёш организмнинг ўсишига Sattam ва Allan M.A (1987) туғдириш мавсуми кам деярли даражада таъсир этиши қайд этилган.

Улоқларни ўсиши ва ривожланиши уларнинг оналарининг сутдорлигидан ташқари тўйимлилиқ озучаланишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Самник ва Маргулик И (1976) совет жундор эчкиларни устида илмий ишлар олиб борганлар ва қайд этилган фикрни яна бир бор таъкидладилар.

Янги организмлар туғдириш мавсуми таъсир этиш сусти мамлакатларида ҳам қайд этилган (Америка, Англия, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатлар 1986-1987-йилларда).

Масалан Янги Зеландияда қўзиларни ўсишига ва ривожланишига янги технологияни жорий этилиши таъсир кўрсатган ва бу соҳа сермахсул ва сердаромад соҳага айланган.

Бизнинг фикримизга улоқларни тўғри ўсишини ва ривожланишини таъминлаш келажакда эчкиларни махсулотларини оширишга қаратилган ва соҳани самарадорлигини оширишга қаратилган ва соҳани самарадорлигини кўпайтирилади.

Адабиёт талқинида шул маълум бўлмоқдаким улоқларни ўсишига ва ривожланишига жуда кўп олимлар ўзининг таъсирини ўтказмоқда, эчкиларни зоти, ёши сутдорлиги, улоқ олиш муддати эчкиларни озучаланиш. Йилнинг фасли каби омиллар шуларнинг жумласидадир.

Лекин шуни ҳам айтмоқ лозимдирки хар бир омил фақат яхши шароит туғдирилса ижобий таъсир кўрсатади, аксинча шароит ёмон бўлса қайд этилган омиллар салбий таъсир ҳам кўрсата олади деган фикрни унитмаслик лозим ва уни олдини олишга интилоқ лозим ва зарурдир.

Масалан Австраляда қўйларни эрта туғдириш уларни куюкушини тезлатиш каби ишларда гармонал препарат қўлланлган лекин қўзиларни махсулдорлигига бу омил хеч қандай таъсир кўрсатмаган.

Баъзан муаллифни (Селянин Т.И 1987) фикрига кўра янги организмни ўсиши ва ривожланиши тана қисмидаги баъзан бир белгиларга боғлиқ бўлар эканлиги таъкидланган.

Селянин Т.И (1987) проекс кўзиларни устида олиб борган илмий ишида шуни қайд этганки кўзини бош қисми жунга қопланган бўлса улар қопланмаган кўзиларга нисбатан яхши ўсиб ривожланар экан ва оналаридан эрта ажратиб олиш мумкинлиги яратилар экан.

Бу масалани Измайилова давлат хўжалигида Шункин Б.И 1987) ҳам ўрганган. Бу ишни амалга оширишда муаллиф кўзиларни онасидан 1,5-2 ойлик вақтида ажратган ва қулунда 0,2-0,25 кг миқдорда омукта ем берган бундай олиб берилган тадбир олимни фикрига қараганда кўзиларни ўсишига ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бу усулда боқилган кўзилар 3-2 ойлик даврида нормал технологияда ажратилган кўзиларга нисбатан тирик вазни жундорлиги бўйича юқори бўлган. Оналар эса қисқа муддатга ўзини тиклаган ва қайтадан қочиришга ва кўпайишга тайёр бўлган.

Мамадалаев Ф. (1987-1980) Бойсун, Поп туманларида эчкиларни устида олиб борган маълумотларига амал қилиб шуни қайд этганки она эчкиларни тўғри йўлда парвариш қилиш улардан соғлом, бақувват ва яшовчан улоқ олиш имконини яратади ва сохани иқтисодий самарадорлигини оширади. Бундай фикрни бошқа олимлар ҳам кўйларни тўғри парвариш қилиш кўзиларга таъсир этишини қайд этган.

Кўзиларни (Нежелугенко Т.И 1987) ва улоқларни (Эргашев Д, Обиджонов с 1984, Джурабаев Т.Т, Зокиров М.Д 1984) оналаридан эрта ажратиб ўстиришини тавсия этмоқдалар. Муаллифларни маълумотларига кўра 15, 21 ва 60 кунлигида ажратилган кўзи ва улоқлар тана ўлчамлар ҳамда тирик вазнлари бўйича оддий технологияда ажратилган тенгқурларидан устунлик қилган.

Ёш организмларнинг ўсишига ва ривожланишига (Кияткин П.Ф 1951; Заперцов Е.Б 1983; Зеленский Г.Г 1971 ва бошқалар) уларни бошқа усуллари ва озукларини тури ҳамда тўйимлилиги жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Шу борада Сошнин Ю ва Маргули И. (1977) совет жундор эчкиларини улоқларини ривожлантиришда уларни тўғри ва тўйимли озуқалар билан озуқалантиришга жуда катта аҳамият берган. Бу ишнинг сабаби маълум тўйимли озуқалардан фойдаланиш улоқларни озук моддаларига бўлган талабини қондиришган ва уларни тўғри ўсиб ривожланишини таъминлашга қаратилган ва келажакда сохани махсулдорлигини ва самарасини кўтаришга қаратилган.

Бу фикрни Франциялик олим Малтче С (1986) ўз тажрибасида кенг ёритган ва қўзиларни ўсишига турар жой ҳамда сунъий озуқлантириш катта таъсир этганини таъкидлаган.

Олимларни фикрига ва тажрибадаги олган маълумотларига қараганда улоқларни бўлажак махсулдорлиги уларнинг тўғри ўсишига ва ривожланишига боғлиқ.

Якупов М.Р (1989) бу масалани ёки ўсиш ва ривожланиш бўйича кузатиш ишларини қўзиларни устида олиб борган ва олган маълумотларида уларнинг ўсишига ва ривожланишига қўзиларни хулқи таъсир этишини таъкидлаган. Муаллиф қўзиларни хулқи бўйича уч гуруҳга ажратган (хулқи текис, нотинч ва хулқсиз) ва бир хил шароитда бўрдоқига боққан, натижада хулқи текис бўлган қўзиларни боқилишини авзаллигини таъкидлаган.

Эргашев Д. ва Обиджанов С. (1979) лар томонидан совет жундор эчкиларини гўштдорлигини ўрганганлар ва бу кўрсаткич улоқларни бўрдоқига боқилишига боғлиқ бўлганлигини таъкидлаган.

Улоқларни бўрдоқига боқилиши уларнинг ўсишига ва ривожланишига ҳамда гўштининг сифатига таъсир кўрсатиши билан биргаликда улоқларнинг ўсиш ва ривожланиши уларнинг жинсига ва озуқаларининг самарадорлик ишлатилишига ҳам боғлиқ.

Дрозденко А. (1980) соф қонли декали ва дорсет зотидаги қўзиларни устида бўрдоқига боқиш ишларини олиб борган ва натижада бўрдоқига

боқиш кўзиларни тирик вазнини кўпайишига таъсир кўрсатган, кўзиларни тирик вазни туғилганида 3,5-4,03 кг бўлса бўрдоқига боқилганидан сўнг эса 26,4-32,9 кг ни ташкил этган.

Иванов М.Ф.Кулешов ва Чирвинский маълумотларига биноан улоқларни ўсиш ва ривожланишига яйловлардаги ўтларнинг тўйимлилигидан ташқари уларнинг конституцианал типлари ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу олимларни фикрига кўра дағал типга мансуб она эчкилар ва уларнинг улоқлари яйловларда жуда кўп юрадилар ва ҳаракат қиладилар ва яйловдаги ўтларни кўпини ейдилар ва тез семирадилар, нозик эчки ва уларни улоқлари кам ҳаракат бўлиб кам ўтлайди ва тез чарчаб қолади натижада ўсишдан орқада қоладилар.

Олимларни фикрига асосланиб шундай хулоса чиқариш лозимки мустаҳкам конституция эчкиларга ва уларнинг улоқларига яхши ва хос ҳолатдир ва улар ишлаб чиқариш учун авзалдир.

Улоқларни ўсишига ва ривожланиши об-ҳаво шароити ҳам таъсир этмоқда ҳавони совуқ ва ёғингарчилик бўлиши улоқларни ўсишига салбий таъсир кўрсатади бунинг сабаби шундан иборатки уларни озуқа истеъмол қилиш ва шу жумладан озуқ моддалар билан таъминланиши камайиб қолади, ҳамда яйловдаги ўтларни ўсиши сусайиб кетади.

Адабиёт талқинига кўра улоқларни ўсишига ва ривожланишига турли омиллар ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Олимлар томонидан олиб борилган ишлар бу хусусиятни яна бир бор таъкидлаган. Олиб борилган илмий ишлардан ҳар бир тасдиқланган. Олиб борилган илмий ишларда ҳар бир омилни таъсир кўрсатиши алоҳида ўрганилган.

Олимларни фикрларига таяниб (Вепиаминов А.А – 1979 таъкидлаш жоиздирки улоқларни ўсиши ва ривожланиши маъсулиятли бир технологик жараёндир ва улоқларни асраш, парваришlash, озукалантириш, озуқа ишлаб

чиқариш она сутидан ташқари) ва улардан унумли фойдаланиш каби жараёнларга боғлиқ.

Ульянов А.И., Рижов А.В (1990) фикрларига биноан улоқларни ўсиш, ривожланиш технологик жараёнларини бошқариш технологиясини асосий элементларидан бири улоқларни турли усулда асраш, оналари орқали озуқалантириш, урчитиш, парваришlash ва улоқларини соғлом бўлишини таъминлайди.

Ўсиш ва ривожланиш муайян технологик жараён бўлиб турли омилларга боғлиқ шу боисдан биологик ва зоотехния соҳаси олимларни диққатини қозонган. Барча қишлоқ хўжалик хайвонларини ва шу жумладан эчки улоқларини ўсишига ва ривожланишига энг кучли таъсир этган омил бу озуқа ва озуқалантириш деб қабул қилинган. Ўсиш ва ривожланиш улоқларни ташқи мухитга мослашиши, кўникиб хаёт кечириши билан ифодаланади.

П.Н Кулешов (1879) олиб борган тадқиқотларига асосланиб қайд этадики ёмон озуқаланган хайвонлар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади хаттоки улар майдалашиб кетади, яхши озуқаланиш бу хусусиятни онаси бўлиб ҳисобланади. Хайвонлар тез ўсади танаси мутаносиб ҳолда ривожланади ва ишлаб чиқаришда улардан тез фойдаланиш имконини беради.

В.А Семенов (1980) ўсиш ва ривожланиш яққол бир организми хаёт кечиришини икки даврга бўлиши ва хаёт кечириши учун қарама-қаршилиги деб ҳисоблайди. Олимни фикрига кўра ўсиш бу тирик организмни танасини ва унинг оғирлигин ўзгарувчанлигидир ва бунда муайян организмда хужайра ва тўқималарида органик моддаларни тўпланиши асосида вужудга келади. Ривожланиш эса шу аснода сифат ўзгарувчанлиги бўлиб барча хужайра, тўқима орган ва органлари системаларини функцияларини ўзгариб боришига олиб келади.

Джон Хемонд (1967) олиб борган тадқиқотларига асосланиб қайд этадики ўсиш ва ривожланиш икки пунктдан назарига биноан амалга оширилади.

Биринчи бу тирик организмни вазнини ва хажмини ўзгариб бориши иккинчиси эса ўсиш даврида унинг танасини функцияси шакли ва муносабатларини ўзгарувчанлигидир.

Д.А Кисловский (1947) олиб борган тадқиқотларига кўра янги туғилган организм доимо ҳаракатда бўлиб сифат ўзгаришлари натижасида ўсади ва ривожланади. Бу хусусиятлар муаллиф томонидан уларни суяқларини ўзгариши асосида таъкидлаб ўтган. Ўсиш ва ривожланиш даврий босиқларга биноан юзага келади. Шу босидан айрим даврларда улар жадал ўсиб ривожланади айримларида эса бу жараён сусайиб боради.

Адабиёт маълумотларини тахлили кўрсатадики улоқларни ўсиши ва ривожланишига жуда кўп омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Бу ишларга таяниб улоқларни ўсиш ва ривожланишини Сурхандарё вилояти Сариосиё тумани иқлим ва яйлов шароитида ўрганишга ва ундаги олинган маълумотларни ишлаб чиқаришда қўллаш зарур деб биламиз.

III. Омон Бобо фермасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги.

Бу тадбир муҳим аҳамиятга эга чунки чорва моллари ва ундаги қулунларига барча техник воситалари ва электр мосламалари одам ҳаётига ҳафли бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан бу ишларни мунтазам равишда ташкил этиш ва назорат қилиш хизматчиларни ва чорва ходимларни ҳаётини сақлаб қолишга ҳамда беҳатарли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган тадбир бўлиб катта эътиборни талаб қилади.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига риоя этиш соғлом ҳаёт гаровидир шу боисдан вилоят, туман кенгашида бу борада анжуманлар ўтказилади. Омон Бобо фермасида бу ишларни амалга оширишда фермер бўлган Омон Бобони зиммасига юклатилган ва доимий назорат қилади. Фермада ишчиларни беҳатарли ишлашига хавф яратадиган механизатцияларни ва электр қувватларини ишлашига ҳамда улардан тўғри ҳолатда фойдаланишга хўжаликни бош инженери Раҳматуллаев Аҳмад маъсул шахсдир хўжалигимизни ҳамиша ишга жойларида ва соҳаларида ишга кирадиганлар билан ва бир ишдан иккинчи ишга ўтадиганлар билан меҳнат муҳофазасини ва техника хавфсизлиги бўйича суҳбат – инструктаж ўтказилади ва махсус техника хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар тўлдирилади унга ишга қабул қилинган одамлар суҳбатни ўтганлиги тўғрисида имзо чекади бу ҳужжатлардан ташқари махсус журналга ҳам олиб борилган иш қайд этилади. Техника хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган ишларни хўжалигимизни бу йўналишидаги инженер Ҳамрабаев Эркин олиб боради ва ҳужжатларни расмийлаштиришга, инструктаж олиб боришига тўла жавоб беради ва назорат қилади.

Вадний инструктаждан ташқари хўжалигимизда инструктаж ишга кирадиганларга иш жойида ҳам олиб борилади ва махсус журналларга қайд этилади.

Шу жойидаги инструктажни хўжалигимиздаги сохалар бўйича бош мутахассислар ўтказди.

Хўжалигимизда олиб борилган ишлар ўзининг самарасини бермоқда сўнги 5-10 йил ичида хўжаликда биронта бахтсиз ходиса ва одам халок бўлиши юз бергани йўқ.

Техника хавфсизлиги ишларини амалга ошириш учун хўжалигимизни автогараж қошида махсус хона ажратилган ва бу хона барча хужжатлар ҳамда механизмлардан хатарсиз фойдаланиш борасидаги агитацион кўргазма ва плакатлар билан таъминланган ва хона деворларига осилган. Ишчилар бу кўргазмалардан бахраманд бўладилар ва ўзларининг ишларида уларга риоя этадилар.

Бизнинг хўжалигимиз кўп тармоқли хўжалик бўлганлиги муносабати билан техника хавфсизлиги бурчаклари барча сохаларни ишчи жойларида мавжуддир. Шу жумладан қорамол, қўй ва эчкичилик фермаларида ҳам бундай бурчак ва алохида хона мавжуддир.

Хар бир фермадаги бурчак техника хавфсизлигига ва меҳнат муҳофазаси бўйича бўлиши лозим бўлган анжуманлар билан тўла таъминлаган. Бу ишлардан ташқари ёнғин содир бўлмаслиги учун хар керакли ерда махсус шит мавжуд бўлиб улар агар ёнғин содир бўлса уни ўчириш ҳамма асбоб ускунлар ва бошқа зарур бўлаган (сув, қум) анжомлар билан таъминланган.

Хўжалигимизда меҳнат муҳофазасига жуда катта эътибор берилган. Ишчилар учун 6 кунлик иш куни якшанба кунлари ишчилар (хизматда бўлмаган) дам олишади ва хўжалигимизни қошидаги маиший хизмат кўрсатиш жойларидан фойдаланиб хордиқ чиқариб дам оладилар. Иш куни хўжаликни директорини буйриғига биноан 8 соатни ташкил этади, зарурият туғилиб иш кунидаги соат узайтирилса унда ишчиларга қўшимча ҳақ тўланади ва ортиқча ишга жалб этиш ишчиларни хоҳишига ҳам боғлиқдир.

Омон Бобо давлат хўжалигида эпидимологик ҳолатни ва аҳолини санитария-гигиена шароитларига риоя этиши хўжалик эпидимологик врачини зиммасига юкланган махсулот мол олиб келиш ва олиб чиқишни ҳам шу шифокорга юкланган бу вазифани хўжалигимизни бош мол доктори томонидан бажарилмоқда. Хўжалик ҳудудини эпидимологик ҳолат қониқарли даражададир. Бош мол доктори ўзининг иш режаси асосида хўжаликда турли эпидимологик чора-тадбирларни амалга оширади, ўз вақтида профилактик ишларини ва дезинфекцион ишларини амалга оширади.

Сангардак маҳалласи қошидаги Омон Бобо фермасида ёнғинни олдини олиш ва содир бўлганида ўчириш учун кўнгилли каманда тузилган ва махсус машина билан таъминланган кўнгилли каманда аъзолари махсус кийим кечак билан тўла таъминланган.

Хўжаликдаги ёнғин хавфсизлик ҳолати ҳаммага маълумки ёнғин содир бўлиш жуда кўп сабабларга боғлиқ шунинг учун инобатга олиб хўжалик жамоаси ва кўнгилли каманда аъзолари ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ва сабабларини олдини олишга жуда катта эътибор берадилар. Ёнғинни олдини олиш учун ўчиришдан кўра катта аҳамиятга эгадир чунки ходиса юз беришига йўл қўйилмайди ва ундан ҳеч қандай зиён келмайди. Агарда ёнғин содир бўлса албатта хўжаликка жуда катта зиён келтиради.

Хўжаликда ёнғин содир бўлишини асосий сабаблари бу иссиқлик чиқарадиган ва электр токи ёритадиган приборларидан нотўғри фойдаланиш. Техника хавфсизлигига риоя этмаслик баъзан ишчиларни ўзларини зиммасига юкланган вазифаларига совуққонлик билан қарашидир. Бу сабаблардан ташқари хўжалик қошида мавжуд бўлган тез ёнадиган турли моддалардир шу жумладан бензин, саларка уларни нотўғри сақланиши бу ходисани юз беришга жуда катта ҳаф туғдиради шу билан биргаликда электр приборларини нотўғри уланиш ҳам ҳафлидир.

Бизнинг хўжалигимиз кўнгилли командаси қайд этган сабабларни яхши ўрганиб чиққанлар ва ёнғин олдини олиб боришда катта ишлар қиладилар. Бу команда аъзолари мактабларда турли жамоа жойларида ёнғин сабабларини олдини олиш тўғрисида агитацион ишларини олиб боради, техника хавфсизлиги хонасида, ҳамда ишчи техника хавфсизлиги хонасида, ҳамда ишчиларга бу тўғрида турли маърузаларни ташкиллаштирадилар. Хўжалигимизни қишлоқларида мактаб болаларини орасида ўқитувчилар орасида кўнгилли дружина тузадилар. Ёнғин дружинаси хўжалик ҳудудида вақти-вақтида тўпланишади ва суҳбатлашиб турли муаммоларни ҳал этадилар. Дружиначилар тўвогалар ҳам уюштиради. Ёнғин камандаси тегишли жойларда ёнғин бурчаларини ташкил этадилар ва уларни зарур бўлган анжомлар билан таъминлаб ишлашини назорат қилади. Тўвогачилар уюштириш учун махсус сигнал белгиланган, бу сигнални эшитгач команда аъзолари ва барча дружиначилар ёнғин содир бўлган жойларига тез тўпланиб ўз ишларини режа асосида амалга оширади. Ёнғин ўчириш учун хўжалик ҳудудидаги барча сув ресурсларидан фойдаланади ва унда хўжалик ахли фаол қатнашадилар.

Омон Бобо фермасида техника хавфсизлик ҳолати. Махсулотларни ишлаб чиқаришда турли механизациялар ишлатилмоқда, шу туфайли улардан тўғри фойдаланиш хўжаликдаги техник хавфсизлик ҳолатини яхшилашга қатарилган. Бу ҳолатни сақлаш яхшилашга қаратилган. Бу ҳолатни сақлаш шу механизмларда ишлайдиган бошқариладиган ва таъмин этадиган техник ходимларига ҳамда технологик процессларига ва ундаги қонун қоидаларига амал қилинишича бевосита махсус шахслардир ва тўғри таъминлашга жавоб берадилар.

Техника хавфсизлигини тўғри олиб борилиши нафақат ишчи-ходимларини хавфсизлик қонун ва қоидаларига риоя этишдир балким бу ишни тўғри олиб боришига таълуқли бўлган анжомлар асбоб-ускуналар агитацион ишларини олиб боришга ҳам боғлиқдир. Бу сабабларини инобатга

олиб хўжалик маъмурияти техника хавфсизлигини таъминлаш учун хар йили ўз фондидан алохида маблағ ажрамоқда. 2011-2012-йилларда бу маблағ 10-12 миллион сўмни ташкил этган бўлса 2013-йилда бу ишларни амалга оширилиши учун хўжалигимизда оширилиши учун хўжалигимизда 13 миллион сўм пул ажратилган, барча ажратилган пуллар ўз йўлида тўғри ишлатилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Хўжаликдаги олиб борилган ишлар ишчиларимизни хавфсизлигини тўла таъминлаган ва сўнги йилларда хўжаликда ҳеч қандай кўнгилсиз ходиса ва бахтсизлик (одам ўлиши) юз берган эмас.

Омон Бобо фермер хўжалигини санитария ва гигиена ҳолати.

Хўжаликни санитария, гигиена ҳолатини сақлаш режа асосида олиб борилади ва бу режа хўжалигимизни бош мол доктори томонидан тасдиқланган. Бу режа хўжалик ҳудудида яшаб истиқомат қилувчи кишиларни ва чорва молларини соғломлигини сақлашга ҳамда атроф-муҳитни санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган. Чорвачилик орасида касаллик пайдо бўлса карантин эълон қилинади ва хўжалик чегарасида сан-пропусник ўрнатилиб дезабарерлар ташкил этилади. Махсулот олиб чиқиш ва киритиш жуда қатъий назорат қилинади.

Санитария ва гигиеник ҳолатларини яхши тутиш ва озода қилиш учун профилактик ишларни амалга оширилади ва чорва фермаларига кириш, чиқиш санпропусник орқали амалга оширилади. Молхонага кирадиган жойларда дезобарерлар ўрнатилиб улар дезинфекция қиладиган (каустик сода, креалин) моддалар билан таъминланади. Дезобарьер ва дезоковрикларни хаммаси хар 15 кунда бир маротаба янгидан тозаланиб қайтадан дориланади ва доимо нам ҳолатда сақланади.

Молхоналардан иқлим хайвонлари ва чорвадорларини соғломлилга катта таъсирини ўтказди. Молхоналарда микроиқлимни сақлаш учун улар вентилятор ва молхонадаги тўпланиб қоладиган хавони чиқариш учун

трубалар билан таъминлаш булар доимо ишлайдиган ҳолатда сақланади ва доимо назорат остида тутилади.

Мухитни санитария ва гигиена ҳолати молхоналар ичида тўпланган ахлат ва сийдикларга ҳам бевосита боғлиқдир шунинг учун инобатга олиб бу чиқиндиларни дезинфекция қилиниши ва ўз вақтида ишлатилиши жуда муҳим вазифадир.

Фермани қуришда жой танлаш жуда муҳим ва аҳолини соғломлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин қуришда таъсир бўлган, мақсадда мувофиқ келадиган жойлар билан таъминланмаса муҳит бузилади ва атрофни санитария ва гигиеник ҳолати ёмонлашади. Қайд этилган муҳитни бузадиган сабаблардан бизнинг хўжалигимиз қонун қоидага риоя қилгани учун санитария ва гигиена ҳолати яхши ҳеч қандай юқимли ва инфекцион касалликлар йўқ ва касалликларни олдини олиш борасида профилактика ишлари ўз вақтида олиб борилади.

Профилактика ишлари нафақат давлат хўжалигини моллари билан, балки аҳолини моллари билан ҳам ўтказилади. Бу борадаги ишлар ўзининг натижасини берган ва аҳолини молларини орасида ҳам ҳеч қандай инфекция ва инвазия касаллик тарқалмаган. Хўжалигимизда яйловлар доимо назорат остида ҳар ҳафтасига бир мартаба махсус машинада айланиб чиқилади бу вақтда ўлик мол кўринса дарҳол чуқур қазилиб кўмилади ёки ёқиб юборилади. Бу ишда хўжалигимизни аҳолиси ҳам огохлантирилган шунинг учун яйловларда ёки бирон жойда молни ўлиги бўлса дарҳол бош шифокор хабар топади ва режага мувофиқ иш тутади.

Хўжалигимиз бўйича олиб борган ишлар унинг санитария ва гигиена ҳолатига ижобий таъсир этган ва сўнги беш йил ичида бизнинг ҳудудимизда ҳеч қандай юқимли ва инвазия касалликлар юз бермаган санитария ва гигиена ҳолат қониқарли даражада.

Хўжаликда меҳнатни муҳофаза қилиш учун берилган тавсиялар.

Хўжалигимиз бўйича кўнгилсиз ва бахтсиз ходиса юз бермаган ва юқимли ҳамда инвизион касалликлар тараққий этмаган аҳоли соғломлиги яхши бўлганлиги билан хўжалигимизда ҳамма ишлар жойида деб бўлмайди. Шунининбатга олиб хўжалигимизда яна қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини тавсия этамиз.

1. Техник воситалардан фойдаланиш ва уларда ишлайдиганларни техник хавфсизлигига риоя этишини қатий назорат қилиш .
2. Хавфли жойларда ва захарли моддалар, ҳамда оғир жойларда ишлайдиган ишчилар қўшимча махсус кийим билан таъминланиши, ҳамда сут ва сут махсулотлари билан ўз вақтида таъминланиши ҳамда медицина назоратида бўлиши лозим.

IV.Шахсий қисм.

4.1.Сангардакдаги Омон Бобо фермасини таърифи.

Сангардак маҳалласини Омон Бобо фермасини Боботоғ тизими билан ўралган ва унинг ўртасидан Сангардак дарёси ўтади. Сурхандарё вилояти Сариосиё туманида Сангардак маҳалласи қошида 2000-йилларга келиб Омон Бобо эчкичилик фермаси ташкил этилди. Хўжалик маркази Сариосиё туман марказидан 4 км Термизгача эса бу масофа 110 км-ни ташкил этади. Хўжалигимизни ерлари орқали республика миқёсида Тошкент-Денов автомобил йўли ўтади хўжалигимизни ҳамда ферма аҳолисига вилоят, туман ҳамда республика маркази Тошкент шаҳрига бориб келишлари учун қулайликларни яратади.

Бугунги кунда Сангардак фермер хўжалигининг ва Омон Бобо фермасининг асосий йўналиши чорвачилик бўлиб ҳисобланади ва бунда қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик ва йилқичилик соҳаси муҳим ўрин тутади. Хўжалигимизда чорвачилик билан биргаликда ғаллачилик ҳамда боғдорчилик ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб Омон Бобо фермер ҳудудида тахминан 120 хонадон мавжуд ва ҳар бир хонадоннинг ўзининг жойи ва томорқаси мавжуд. Умумий аҳоли сони 940 кишини ташкил этади, аҳолини асосий қисми ўзбек миллати ташкил этади. Лекин бошқа миллатлар вакиллари ҳам мавжуд.

Сангардак фермер хўжалиги ҳудудида ўрта мактаб, 1 та амбулатория ва дорихона мавжуд. Бунга қўшимча бўлиб маиший хизмат уйи, болалар боғчаси, хўжаликни маъмурий биноси. Хўжалик аҳолиси булардан тўла ҳолда фойдаланади. Хўжаликда хаста бўлган беморлар Сариосиё шаҳридаги касалхонада даволанади.

Хўжаликда транспорт воситалари тракторларни жамғармаси ҳамда уларни таъмирловчи устахонаси мавжуд ва булардан Омон Бобо фермери зарурият туғилганда фойдаланади.

Хўжаликнинг 40 % га яқин аҳолини мактаб болалари ва зиёлилар. 15-20% нафақахўрлар қолган қисмини эса турли соҳаларда ишлайдиган ишчилар ва уй бекалари ташкил этган.

Хўжалигимизни ерлари қир ва тоғ бўлиб асосан бўз ва қумлоқ тупроқлардан ташкил топган. Хўжалик ҳудудидаги ер ости сувлари 20-25 метр чуқурликда жойлашган. Хўжаликни барча хонадонлари электрлаштирилган ва табиий газ мавжуд. Аҳолини сув билан таъминлаш учун махсус қудуқлар ўрнатилган ва улар сувга тўлдирилади ва аҳолини эҳтиёжини қондиради. Хўжаликни ва Омон Бобо фермасидаги чорва молларини сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун яйловларда махсус қудуқлар қазилган 20-30 метр чуқурлигида ва улар чорва молларини сувга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Хўжалигимиз ерларини мелиоратив ҳолати ўртача лекин айрим ерлари лалми бўлиб ҳосилдорлиги табиий иқлимга боғлиқ. Хўжалигимиз иқлими Сухондарё иқлимига хос, баҳор тез келиб кечади. Хўжалигимиз ерларида асосан чўлларда ўсишга мослашган ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликлар эрта баҳорда кўкаради ва май ойининг ўрталарида қуриб қолади. Хўжалигимизни пастки ҳудудларида ва тоғ етакларида яйловларда ўсимликлар деярли қуримайди ва эчкилар яйловлардан асосан ёзги даврда ўтлаши режалаштирилади.

Хўжалигимизни иқлими кескин континентал. Ҳавода булут ва туман кам айрим кунлари бошқа жойларга қараганда бир мунча кўп. Май ойидан бошлаб об-ҳаво исийди ва қуруқ бўлади, ёз текис ҳолатда ўтади. Об-ҳавони бир йиллик ўртача ҳарорати 20-25 градусни ташкил этади. Лекин ёз ойларининг айрим кунларида иссиқлик 40-45 градусдан ошади. Энг совуқ ой

хўжалик шароитида январ ва феврал деб ҳисобланади ва бу даврда ўртача харорат 20-25 градус совуқ ҳам бўлади. Ёз даври асосан 240-250 кун, қиш эса 125-126 кун давом этади. Ёмғирларни миқдори ва ўртача намдорлик 180-220 мм қиш яхши келганда намдорлик 270-320 мм ни ташкил этади ва қишлоқ хўжалик экинларини ва яйловдаги ўтларни ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Қорамоллар, қўйлар, эчкилар ва йилқилар ўтлайдиган яйловлар асосан иккига бўлинган аҳоли яшайдиган жойларга яқин жойлашган, иккинчиси эса тоғ, тоғолди ёки узоқ жойлашган яйловлар. Бу яйловлардан йил давомида фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларига биноан фойдаланиш режалаштирилади.

Бугунги кунда хўжалигимиз маълум ер майдонлари мавжуд ва улар тўғрисидаги маълумот 1-жадвалда келтирилган

Жадвал-1

Сангардак хўжалик ер майдони

Ер майдони ва унинг таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар	
		2012	2013
Умумий ер майдони	га	6000	6000
Жами экин майдони	га	1000	1000
Кўп йиллик ўтлар	га	500	500
Суғориладиган ер	га	1500	1500
Яйлов	га	2130	2130
Кўп йиллик боғлар	га	50	50
Аҳоли томорқаси	га	480	420
Қишлоқ хўжалигида ишлатилмайдиган ерлар	га	1900	1900

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки хўжалигимиздаги ерлар ва унинг таркиби сўнги йиллар давомида стабил равишда турмоқда аммо 1900 га қишлоқ хўжалиги ишлатилмай қолган ерларни келажакда ўзлаштириш кўзда тутилган. Хўжалик ерларидан фойдаланиш даражасини ўрганишга ёндошдик ва олган маълумотларни 2-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-2

Сангардак хўжаликни ва Омон Бобо фермасини ерларидан
фойдаланиш.

Ер майдонлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013
Жами ер	га	6000	6000
Ғалла майдони	га	1000	1000
Боғ	га	50	50
Яйловлар	га	2130	2130
Кўп йиллик ўтлар	га	500	500
Шундан пичан майдони	га	300	300
Маккажўхори силос учун	га	70	70
Бошқа экин майдонлари	га	130	130

Келитрилган маълумотлардан кўринадикки ер майдони миқдори фойдаланишга сўнги йилларда фарқ этмайди ва бир текис ғалла майдони 1000 нисбатга, боғ майдони 50 гектарни кўп йиллик ўтлар 500 гектарни ташкил этган шундан 300 гектар беда пичани учун. Маккажўхори силос учун экилиши 70 гектар ва 130 га турли бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ташкил этган.

Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти бевосита хўжаликни иқтисодий қувватини белгиловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади ва аниқлашни тақозо этади. Шу сабабли биз хўжаликни ишлаб чиқарилган маҳсулотларини товар даражасини аниқладик. Бу тўғридаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни товар даражаси.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2012 йилга нисбати ±
Жами ялпи маҳсулотни ёки сотилиши	Минг сўм	295430	432803	+137373
Шу жумладан: ўсимликдан	Минг сўм	151420	191903	+40483
Чорвачиликдан	Минг сўм	144010	240900	+96890

2013-йилдаги кўрсаткичлар 2012-йилга нисбатан анча баланд ялпи маҳсулот 137373 минг сўмга етган, шундан ўсимлик маҳсулоти 40483 минг сўмга чорвачилик бўйича бу кўрсаткич 96890 минг сўмга устунлик қилган. Олинган маҳсулотларни тахлили олинган даромадни кўрсатмоқдаки асосий қисмини ёки 70,5% чорвачилик ташкил этган 29,5% ўсимлик соҳасидан келган. Чорвадан олинган даромадни 40 % қўйчилик ва эчкичилик, 30 % и эса қорамол ва йилқичиликка тўғри келади.

Биз хўжаликда олинган даромадни таҳлилига биноан шуни таъкидлаймизки хўжаликни иқтисодини хал этувчи соҳа бу чорвачилик соҳасидир. Хўжаликдаги мавжуд молларни бош сонини тахлили тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Сангардак ва Омон Бобо фермасидаги хўжалигини чорва туёғини сони.

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2012 йилга нисбати ±
Жами қорамол сони	2600	2600	-
Шундан сигир сони	700	710	-
Турли ёшдаги тоналар сони	1900	1890	-10
Жами қўй сони	2600	2700	+100
Шундан она қўй сон	1690	1750	+60
Жами эчки сони	1800	1860	+60
Жами она эчки	1200	600	+60
Йилқи сони	600	600	-
Шундан бия сони	50	55	+5

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки чорва молларини сони фақат қўй ва эчкиларда ошиб бормаоқда. Жумладан урғочи (она) молларни сони ҳам ошмоқда лекин подани таркибидаги она молларни сони анча паст ва меъёрига етказишни талаб этади. Хўжаликда биз ишлаб чиқилган маҳсулотни ҳам ўрганиб чиқдик ва олган маълумотларни 5-жадвалда келтирганмиз.

Сангардак хўжалигида чорва молларидан маҳсулот ишлаб чиқариш.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2012 йил нисбатан ±
Бир сигирдан олинган сут	Кг	1200	1250	+50
Қорамолни суткалик семириши	Г	300	310	+10
Бирбош қўйдан олинган жун	Кг	1,9	1,9	-
Бир эчкидан олинган жун	Бош	3,2	3,3	+0,1
Тул олиш: Бузоқ сони	Бош	530	540	+10

700				
Қўзи сони 1690	Бош	1700	17100	+100
Улоқ сони 1800	Бош	1900	2000	+100
100 бош она мол хисобидан олинган бузоқ	Бош	75,7	76,0	+0,3
Қўзи	Бош	100,6	97,7	-2,9
Улоқ	Бош	105,5	107,5	+2,0

Жадвалдан кўриниб турибдики 2013-йили чорва молларини маҳсулдорлиги 2012-йилга нисбатан бир мунча устун турмоқда жами қўзи сони бўйича бу кўрсаткич 100 бошга, бузоқ бўйича 10 та; улоқ бўйича 100 бошга ошган. Умуман олиб таҳлил қилганда хўжаликдаги чорва молларини маҳсулдорлиги етарли деб айниқса бузоқ ва улоқ олишда бу кўрсаткичлар республика бўйича олинган бузоқ ва улоқ сонига нисбатан паст соҳага мутахассислар эътиборини шунга қаратиши зарур.

Чорва молларини маҳсулдорлиги билан биргаликда соҳадан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни ҳам ўрганилди. Бу борадаги маълумотларни 6-жадвалда баён этилган.

Жадвал-6

Сангардак хўжалигида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши ва
сотилиш

Кўрсаткичлар	Ўлчов билиги	2012 йил	2013 йил	2012 йил нисбати ±
Жами: гўшт	тон	87	89	+2
Сут	тон	240	246	+6
Жун	тон	0,9	1,0	+0,1
Сотилиши: гўшт	тон	80	83	+3
Сут	тон	230	236	+6
Жун	тон	0,9	1,0	+0,1

Хўжаликда ишлаб чиқарилган гўшт ва сут ички хўжалик эҳтиёжида ишлатилганлиги сабабли сотилган ишлаб чиқарилганидан бир оз фарқ этади. Жун эса тўлиқ сотилган.

Чорва молларидан маҳсулот ишлаб чиқарилиши хўжалик учун қанчага тушишини аниқлаш учун маҳсулотларни таннархини ўрганиш зарур. Бу тўғрисида олган маълумотларни 7-жадвалда қайд этилган.

Жадвал-7

Сангардак хўжалигида олинган чорва маҳсулотларини таннархи

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил
Қорамолларни 1 центнери семириши	Сўм	1000000	1000050
Қўй ва эчкиларни 1 центнер семириш	Сўм	500000	512500
1 центнер жун	Сўм	180000	180000
1 центер сут	Сўм	60000	70000

Жадвалдан кўринадики 2013 йилда маҳсулотлари таннарҳи 2012 йилга нисбатан тобора ошиб борган. Бунинг жорий йилда чорвага ишлатилган озуқаларни нархинива меҳнатга ҳақ тўлашини ошиб бориш ва уларни паст нарҳда сотилишига боғлиқ. Шу боисдан жадал йўлларини ўйлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

V.Хусусий қисм.

5.1.Тадқиқотни мақсади, вазифалари манбаи ва қўлланилган усуллар.

Биз бажарган тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади Сурхондарё вилояти Сангардак маҳалласидаги Омон Бобо фермер хўжалигини табиий яйлов шароитида урчитилаётган жундор эчкиларни улоқларини ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва ундан олинган маълумотларни фермер хўжалиги алоҳида ёки шахсий хонадонларида ишлаб чиқариш жорий этишдан ва уларни турмуш даражасини юксалтиришдан иборат улоқларни ўсиш ва ривожланишини ўрганиш кўп муаммоларни очилишига ва уларни янада такомиллаштириб боришга амалий ёрдам бериши сир эмас, бу муаллиф фермер ва аҳоли қўлидаги подасини тўлдириш махсулот ишлаб чиқиш жун, гўшт, тери ва бошқалар ҳамда улардан унумли фойдаланиб сохани ва фермер хўжаликларини рентабеллик даражасини оширишдир. Бу борада олиб борилаётган иш албатда улоқларни ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган. Биз ўйлаймизки Ўзбекистоннинг Наманган ва Сурхондарё ҳудудларида яратилган ўзбек жундор эчкиларини устида илмий изланишлар олиб борилган лекин фермер ва шахсий хонадонларда улоқларни ўсишини ва ривожланишини ўрганишга боғланган ишлар амалга оширилган эмас ва уларни урчитиш подаларни янада такомиллаштириш ва сифатли эчкиларни вужудга келишига ва деярли даражада махсулот ишлаб чиқаришга дастак бўлади. Биз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун тажриба режасидаги қайд этиладиган вазифаларни яъни 2, 3 ва 4 туққан она эчкилардан олинган улоқларни экстерерини конституциясини тирик вазнини динамикасини, мутлоқ ҳамда нисбий ва суткалик ўсишларини аниқлаш. Улоқларни ривожланиш даражаси уларни хулқ атвори ва тана тузилмаларини ва тана ўлчамларини аниқлаш ҳамда жинсий етилишини наслий етилиши орқали улоқлар ўрганилди. Ўтказилган ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия бериш.

Тадқиқотни олиб боришда биз Ўзбекистон республикаси Сурхондарё вилоятини Сариосиё тумани Сангардак маҳалласи қошида ташкил топган Омон Бобо фермаси ва унинг шахсий хонадонларида урчитилаётган ўзбек жундор эчкиларидан олинган улоқларни устида олиб бордик тадқиқот эчкиларни туғдириш мавсумидан бошлаб улоқларни ёши оналаридан ажратиш ёки жинсий етилгунича ва давом этирилди.

Тажрибани биз уч гуруҳ эчкилардан олинган эркак ва урғочи улоқларни устида олиб бордик. Ажратилган гуруҳларни устида тажриба олиб борилишини 8-жадвалдаги режа асосида амалга оширдик

Жадвал-8

Тадқиқот олиш бориш режаси



1-гурӯҳни икки туқан она эчкилардан олинган эркак ва урғочи улоқлар ташкил этган. 2-гурӯҳни уч ва 3-гурӯҳни тўрт туққан эчкиларини эркак ва урғочи улоқлари ташкил этган.

Улоқларни гурӯҳларга ажратишда уларни фенотипик кўрсаткичларига ёки экестерерига, конституциясига эътибор берилди ва ҳар гурӯҳга ажратилган улоқлар жинси ва бу кўрсаткичлар бўйича бир-бирига жуда ўхшаш бўлган, улоқлар бир-биридан фарқ этиши улар оналарининг ёши ва жинслари бўйича ажратилган.

Гурӯҳларга ажаратилган улоқлар сирғадан ва бошқа қўшимча белги билан ҳам белгиланган. Шунда 1-гурӯҳ улоқлари икки қулоғига сариқ рангли сирға осилди, 2-гурӯҳдаги улоқлари қулоқларига эса кўк ва 3-гурӯҳдаги улоқларни қулоғига қора рангли сирғалар осилди. Шахсий аҳоли хонадонларида она эчкилардан олинган улоқ сонини биз ҳар бир хонадонда тушунтириш олиб бориш асосида ҳар бир туққан она эчки ва унинг улоғини жинси ва рангини қайд этиш дафтарини тутишни тавсия этиб ва улар орқали англадик. Улоқларни жинсини тасдиқлаб қиёфасини баҳоланиши, бир хил текислигини жуннинг ялтироқ каби кўрсаткичларини кўз билан кўриш натижасида аниқладик ва баъзи ҳолатларда (зарурият туғилганда) аҳоли хонадонлари ҳамда фермер раҳбари томонидан олиб борилган ҳисоботга амал қилдик.

Тажриба ўтказишга ажратилган улоқларни экстерерини, конституциясини, вазнларини мўлжалланган даврларида тарозида тортиш билан аниқланди. Тортишдан олдин улоқлар озуклантирилмай сақланган бу даврда 4-6 соатни ташкил этди. Тортиш вақтида олинган маълумотлар алоҳида дафтарга ёзилиб тўлдирилди. Бу ишларни амалга ошириш натижасида улоқларни экстерерини қисмларини бир-бирига мутаносиблиги ҳамда конституцияси мустаҳкам, қўпол, нозик, бўш ва зич бўлиши суткалик, абсолют ва нисбий ўсишларини ёки вазнларининг кўпайишларини

ўрганганмиз. Буни амалга оширишда чорвачилик доирасига оид бўлган Е.Я.Борисенка (1967) формулалариридан фойдаландик:

1. $W = W_t - W_0$ формула орқали улоқларни маълум даврдаги мутлоқ ўсишини ёки вазнини кўпайишини ўрганишда ишлатилди.

W – бу улоқни вазнини ўсиши.

W_t – улоқни маълум вазнини ўсиши

W_0 – улоқни дастлабки ёки маълум даврни бошидаги тирик вазни.

2. $C = \frac{W_t - W_0}{W_0} \cdot 100\%$ бу формула улоқларни нисбий ўсишини аниқлашда ишлатилади.

C – бу нисбий ўсиш фоиз ҳисобига

W_t – сўнги даврда тирик вазни

W_0 – бошланғич тирик вазн

100% - доимий коэффициент.

3. $K = \frac{W_t - W_0}{T}$ - бу формуладан улоқларни суткалик ўсишини аниқлашда фойдаландик. T – маълум бир давр (ой, йил).

Бизлар улоқларни тирик вазнини ўсиши билан биргаликда уларнинг ҳулқ атвори ва танасидаги рўй берган ўзгаришларини тана ўлчамларини жинсий алоқага ҳаракатчанлик фаолияти олишии ҳамда уларни жинсий органларини ўзгарувчанлиги орқали ўргандик улоқларни асосан қуйидаги тана ўлчамларини олинди баландлик, йўғонлик ва чуқурлик ёки кенглик (линейный – обёмный). Демак асосан ёғининг баландлиги, думғазасини баландлиги, кўкрак айланаси ва кўкрак чуқурлиги каби тана ўлчамлари ўрганилди.

Улоқларни яғрини баландлигини ўлчаш учун оддий линейка (1 метрлик) ишлатилди, бунинг учун ҳар бир улоқ текис жойга қўйилади ва олдинги оёғини ёнбошидан то ёғирини энг юқорига нуқтасигача бўлган масофа ўлчанди. Думғаза баландлиги ҳам линейкада ўлчанди биз учун линейкада, улоқларнинг орқа оёғини ёнбошидан бошлаб думғаза поғонасини юқори нуқтасигача бўлган масофа ўлчанди. Кўкрак чуқурлигини биз штангтециркул билан ўлчадик, буни олишда штангтециркулнинг бир боши кўкрак қафасини суягига икинчи бош эса ёғига қўйилди ва шкалалар кўрсаткичидаги бўй ўлчаб аниқланди.

Кўкрак айланаси лента орқали олинди, бунинг учун лента куракларини орқа томонидан бошлаб кўкрак қафасигача айлантирилди ва ўлчов ўрганилди.

Бу кўрсаткичлардан бошқа биз олиб борган ишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳам ўрганишга ёндошдик бу кўрсаткични аниқлашда биз ҳар бир ҳонадонни ҳисобот иш сифатига ва ундаги олган маълумотларига амал қилдик.

5.2.Тажриба натижалари ва шархи.

5.2.1.Улоқларни экстерери. Конституцияси ва ўсиши.

Барча тирик организмнинг ҳаёти икки даврдан иборат, бу она қорнидаги давр ва туғилганидан сўнги мустақил ҳаёт кечириш даври ёки бўлмаса эмбрионал ва постэмбрионал даврлардир. Бу технологик жараёнларини ёки даврларини доимо назорат остидадир ва жуда муҳим зоотехник тадбирлар. Инсон уларни қонунлари бу назорат остида ўрганилди ва ўзига ишлатилди ҳамда фойдаланилди. Буни тўғри олиб бориши келажакда сурувларни тиклаш улардан маҳсулот олиш ҳамда одамларини эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Бу жараёнларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш қадим замонлардан бўён давом этмоқда шу сабабли биз ҳам буни ўрганишдан холи бўлмадик.

Ўрганилган масалага асосий таъсирини улоқларни оғиз сутидан фойдаланиш катта таъсир этмоқда. Озуқ-овқат ҳазм этиш системасини ажралмаган ва организмдан чиқарилишига улгирмаган ахлатидан чиқишини ва бу системани тозаланиши таъминлайди.

Шуни инобатга олган янги туғилган улоқларни оғиз бурунлари артилгач 2-3соатдан сўнг онасини остига қўйилган ва улар она сутидан баҳраман бўлган. Улоқлар артилишидан ташқари оналарига ялатилган. Улоқларни ўсиши ва ривожланиши жуда мураккаб жарён бўлгани учун уларни экстеръерини ва конституциясини ўрганишни тақозо этади. Бинобарин улоқларни соғлом, бақувват ва танасини қисмларини бир-бири билан мутаносиблиги ҳамда келажакда уларни хўжаликда баҳолаб наслга қолдириб маҳсулот олиш бевосита экстеръер ва конституция билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини экстерери ва конституцияси уларни анотомик ва физиологик хусусиятлари билан боғлиқ ва ҳайвонлари шу жумладан улоқларни ўсишида ва ривожланишида шаклланади. Экстеръер ҳайвонларда биртекис эмас ва уларни маҳсулдорлиги озуқаланиш даражаси

ва йилнинг мавсуми ҳамда ирсий хусусиятлар каби омиллар билан боғланган ва хаёти давомида ўзгариб боради.

Улоқларни экстеръерини ва конституциясини кўзда чамалашда ўрганишга ёндошдик. Кузатув ва тахлил натижаларига асосланиб қайд этамизки улоқларни бақуватлиги, тетиклиги, ҳаракатчанлиги, уларни ҳуқуқ атвори экстерер холида конституцияга боғлиқ.

Биринчи туғиш ёшдаги она эчкиларини улоқларни танаси кичкина, бўйи паст, суст ҳаракатчан, хаттоки айримлари оналарини эмолмай қолиб кетади. Улар нимжон ва конституция ҳолларда нозик, суяклари енгил ва юпқа. Жунлари кичик ва танасига ёпишган ҳолда бўлган. Биринчи туғиш ёшидаги эчкилардан олинган улоқлар хаётини дастлабки кунларида қўшимча парваришланишига муҳтож. Уларни танасини асосий қисмини кичик, конституцияси нозик ва булар сони кўпчиликини улоқларни 70-80 фоизни ташкил этади.

Иккинчи туғиш ёшидаги эчкиларни улоқларни танаси йириклиги бўйича биринчи туғиш ёшидаги эчкилардан олинган тенгқурларидан анча устун қолверса улар тетик, бақувват ва ҳаракатчан. Оналарини эмишда ва яйловда юришда энгилик қилади яъни кўп озуқа истеъмол қилишга ҳаракат қилади. Қолаверса танасини жун блан қопланиши ва унинг узунлиги ҳамда ялтироқлиги меъёрида бўлоқда. Биринчи гурҳдаги тенгқурларида шароитга маҳкамлаб илиши юқори ҳамда конституцияси асосан қўпол ва мустаҳкам типлари мажвуд.

Учунчи гуруҳ она эчкиларини улоқлари туғилган чоғида йириклиги, тетиклиги бақувватлиги бўйича ажралиб туради. Яйловларда жуда ҳаракатчан ва тез ўсиш хусусиятлари билан фарқланади биринчи ва иккинчи гуруҳдаги тенгқурларидан анча устун туради. Уларни танаси йирик, юки оғир бўлиши билан бригаликда мустаҳкам конституция типига мансублиги билан фарқланади.

Хўжаликда бу улоқларни наслдор хайвонлар деб ўзларини сурувларини тўлдиришда, таъминлашда ва янги сурувларни ташкил этишда фойдаландилар.

Янги туғилган улоқларни хажми биз томонимздан алабатта тарозида тортиб аниқланган ва махсус дафтарга қайд этилган. Бу борадаги ишлар улоқларни кейинги ҳаётларида ҳам давом эттирилган, олган маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

Жадвал-9

Омон Бобо фермасидаги улоқларни тирик вазни (n-5 бош).

Улоқлар гурҳи	Она эчкиларни туғиш сони	Улоқларни тирик вазни		
		Янги туғилганида	Онасидан ажратилганда	1,5 ойлик даврида
I гурҳ эркак	Иккинчи туққан	3,1±0,4	23,0±0,5	31,0±0,3
урғочи	-	2,9±0,3	22,6±0,3	30,1±0,4
II гурҳ эркак	Уч туққан	3,5±0,3	24,3±0,4	32,2±0,2
урғочи	-	3,3±0,2	23,4±0,4	31,0±0,4
III гурҳ эркак	Тўрт туққан	3,6±0,5	24,0±0,2	32,6±0,4
урғочи	-	3,4±0,4	23,9±0,4	31,6± 0,3

Барча гурҳлардаги эркак улоқларни турли вазни урғочиларига нисбатан оғирроқ бўлган энг оғир вазнлик улоқлар тўрт туққан она эчкилардан олинган.

Биринчи гуруҳдаги улоқларни вазни эркаклариники 3,1 кг урғочилариники эса 2,9 кг ни ташкил этди. Онасидан ажратилган даврида эса (4-4,5 ойлик) бу улоқларни тирик вазни тегишли равишда 23,4-22,6 кг тенг бўлган 1,5 яшарлигида эса уларни тирик вазни 31-30,1 кг етган.

Иккинчи гуруҳдаги тирик вазнлари қайд этилган даврда тегишли равишда 3,5-3,1 ва 23,8-23,0 ва 32,2-31,0 килограммни ташкил этган.

Учинчи гуруҳдаги улоқларни тирик вазни бу даврлар ичида ўзларининг тенгқурларида устун турган ва 3,9-3.4 кг; 24,0-23,9 кг ва 32,6-31,6 кг ни ташкил этган.

Учунчи гуруҳдаги улоқлар энг яхши кўрсаткичга эга иккинчи гуруҳдаги улоқлар оралиқ позицияни эгаллаган бўлса, биринчи гуруҳдаги улоқлар эса пастки ҳолатда бўлган.

Бизнинг фикримизча улоқларни ўсиши турлича ўтмоқда ва уларни шу кўрсаткичларига она эчкиларни ёши ва шу жумладан сутдорлиги ижобий таъсир кўрсатган.

Тажрибадаги улоқларни вазнини кўпайишини бизларни қизиқтиргани учун қайд этилган даврларидаги абсолют нисбий ва суткалик ўсишларини ҳам ўрганишга ёндошдик ва бу тўғридаги маълумотни 10-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-10

Улоқларни тирик вазнини абсолют, суткалик ва нисбий

ўсиши (n-5 бош).

Груҳлар	Улоқларни жинси	Тирик вазнини кўпайиши					
		Онасида ажратилганда			1,5 ёшида		
		Абсолют т кг	Суткалик г	Нисбий %	Абсолют кг	Суткалик г	Нисбий %
I	эркак	19,9	153	642	27,9	76,0	250
	урғочи	19,7	152	679	27,2	71,5	937
II	эркак	20,8	160	565	28,7	78,6	820
	урғочи	20,1	155	609	27,5	75,3	833
III	эркак	21,2	163	588	28,7	78,6	850
	урғочи	20,5	158	603	28,2	77,2	830

Улоқларни тирик вазнини суткалик кўпайиши асосида ажратилган даврга қадар 152-163 граммни ташкил этмоқда, бир ярим ёшига келганда эса бу кўрсаткич анча пасайиб қолади ва 74,5-78,6 граммни ташкил этади. Абсолют ўсиш бўйича III гуруҳдаги улоқлар (20,5-21,2) ўзларининг тенгқурларидан устун турадилар. Бу кўрсаткични туғган она эчкиларидан олинган улоқларда паст бўлиб 19,9-19,7 кг ташкил этган. Барча гуруҳдаги эркак улоқларни абсолют ва суткалик тирик вазнини кўпайиши урғочи тенгқурларига нисбатан устунлиги тахминан 200-500 граммга тенгдир.

Нисбий улуши бўйича олган маълумотлардан шуни аниқладикки улоқларни вазни туғилган даврига нисбатан 7-9 маротаба кўпайган ёки бўлмаса 700-900 фоизга тенгдир. Нисбий ўсишни кузатадиган бўлсак албатда бу кўрсаткич улоқларда онасидан ажратилган даврига қадар юқори ҳолатда бўлиб сўнг пасайиб қолган.

Демак улоқларни абсолют, суткалик ва нисбий ўсиши уларнинг жинсига ва ёшига ҳамда оналарининг ёшига боғлиқдир. Улоқларни бу кўрсаткичлари ёшлигида жуда ривож этган, лекин тўққиз ойлигидан бошлаб пасайиб кетмоқда.

5.2.2 Улоқларни ривожланиши.

Бу кўрсаткич тирик организмларда асосан тана ўлчамларини ўрганиш билан аниқланди лекин улоқларни ривожланиши тўғрисидаги тўла маълумотни олиш учун организмдаги рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг функционал ҳолатларини ҳамда бир-бири билан боғланишини жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тана ўлчамларини олишда асосан уч хил ўлчамларига амал этилади, баландли, чуқурлик ва кенглик, бу бўйича маълумот берадиган кўрсаткичлардир биз томондан ўрганилган ва 11-жадвалда келтирилган.

Жадвал-11

Улоқларни тана ўлчамлари (n-5).

Ўлчанган ўлчамлар	I гуруҳ		II гуруҳ		III гуруҳ	
А.Туғилган даврида						
Яғрин баландлиги	26,5	26,0	26,6	26,2	26,9	26,3
Думғазасини баландлиги	35,4	34,2	35,2	35,1	35,4	35,2
Кўкрагини баландлиги	12,0	11,7	12,1	11,9	12,2	12,0
Кўкрагини айланаси	34,0	34,0	34,1	34,0	34,3	34,1
Б.Оналаридан ажратилган даврида						
Яғрин баландлиги	47,8	47,1	48,1	47,4	48,4	47,3
Думғазасини баландлиги	42,9	49,0	50,0	49,2	50,1	49,3
Кўкрагини баландлиги	19,9	19,8	20,1	19,9	20,1	20,0
Кўкрагини айланаси	58,5	58,4	59,0	58,6	54,4	58,7
В.1,5 ёшидаги даврида						
Яғрин баландлиги	65,3	65,2	65,7	65,4	65,9	65,5
Думғазасини баландлиги	68,2	67,8	68,9	67,9	69,0	67,8
Кўкрагини баландлиги	28,0	27,4	28,1	27,7	28,3	27,7
Кўкрагини айланаси	75,2	76,0	75,7	75,3	75,8	75,4

Тажрибани бошида ёки улоқларни туғилган давридаги тана ўлчамлари гуруҳлар бўйича катта фарқ қилмайди, бундай ҳолат улоқларга кейинги даврларда кузатилмоқда. Лекин улоқларни жинси бўйича бундай фарқ мавжуд ва бу фарқ эркак улоқлар фойдаланишни ҳал этмоқда.

Умуман тана ўлчамларини устида фикр юритар эканмиз шуни айтмоқ лозимдирким бу кўрсаткичлар бўйича учунчи гуруҳдаги ва иккинчи гуруҳдаги улоқлар яхши натижалар кўрсатмоқда энг орқада эса бу биринчи гуруҳдаги улоқларда кузатилмоқда.

Демак улоқларни ривожланишига оналарини ёши шу жумладан уларни сутдорлиги ижобий таъсир кўрсатсак тана ўлчамлари ҳам тирик вазнларининг қўшилишига кўра ёшлигида тез ўзгармоқда бу ҳолат асосан 2 ойлик давригача кузатилган ундан сўнг бу кўрсаткичларини ўзгариши ва ўсиши сусайиб кетмоқда. Бизнинг фикримизча бунга уларни қишлоғга кириши ва кам озуқа истемол қилиши сабаб бўла олади.

Бундай ҳолатларни олдини олиш ва улоқларни ўсишини ҳамда ривожланишини назорат этиш ва улардан фойдаланиб тўғри йўлда олиб бориш ўйлаймизки ўзининг самарасини беради ва эчкичиликни бизнинг хўжалигимизда рентабеллик даражасини янада оширади.

5.2.3.Улоқларни ўсиш ва ривожланишини иқтисодий самарадорлиги.

Олиб борилган ишни тўғрилигини аниқлаш учун унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш жуда муҳим тадбир деб ҳисобланади. Шуни инобатга олиб бизлар олиб борган улоқ гуруҳларини ўсишини ва ривожланишини иқтисодий самарадорлигини ҳам ўргандик. Бу тўғрида олган маълумотларни 12-жадалда келтирганмиз.

Жадвал-12

Улоқларни ўсишини ва ривожланишини иқтисодий самарадорлиги .

Кўрсаткичлар	Ўлов бирли ги	I гуруҳ		II гуруҳ		III гуруҳ	
		эркак	урғочи	эркак	урғочи	эркак	урғочи
Улоқ сони	бош	5	5	5	5	5	5
Туғилганидаги тирик вазни	кг	3,1	2,9	3,5	3,3	3,6	3,4
1,5 ёшидаги тирик вазни	кг	31,0	30,1	32,2	31,0	32,6	31,6
Хар бош улоқни тирик вазнини кўпайиши	кг	27,9	27,2	28,7	27,5	28,7	28,2
Жами улоқларни абсолют вазни	кг	279	272	287	275	287	282
Бир бош парваришга сарф бўлган маблағ	минг сўм	820	8200	8200	8200	820	820
Абсолют вазнини олишга сарфланган маблағ	минг сўм	82000	82000	82000	82000	8200	8200
1 кг тирик вазини сотиш нарни	минг сўм	82000	370	370	370	370	370
Улоқларни сотишда олинган даромад	минг сўм	370	100620	10619 0	106190	106190	104340
Хўжаликда соф фойда рентабеллик даражаси	%	25,9	22,7	29,5	24,1	29,5	27,2

Хар бир улоқни ўсишини туғилганидан 1,5 ёшигача хўжаликка 8200 минг сўмга тушган, хўжаликда тажрибага ажратилиб ўстирилаётган улоқларга сарфланган маблағ 82000 сўмни ташкил этган. Улоқларни сотишда хўжалик ўртача 100640-106190 сўмгача даромад қилган ёки олинган соф фойда хўжаликда 18640-24190 сўмни ташкил этган. Улоқларни ўстириш хўжалик учун фойдалидир ва бу ишни рентабеллик даражаси 22,7-29,5 фоизни ташкил этди.

Ўстириш бўйича энг яхши кўрсаткичларга учинчи гуруҳдаги улоқлар эришган. Паст кўрсаткичлар 1 гуруҳдаги улоқларда кузатилмоқда иккинчи гуруҳдаги улоқлар оралиқ позицияни тутган. Улоқлардан олинган даромад унчалик баланд бўлмасада катта аҳамиятга эга ва уни доимо назорат қилиб борилиши эчкичиликни тўғри ривожланишига қаратилган.

VI.Хулосалар.

Сариосиё тумани Сангардак маҳалласини Омон Бобо фермасида урчитилаётган ўзбек жундор эчкиларни, улоқларни ўсиш ва ривожланишини кузатиш ва ўрганиш борасида олиб борилган ва ундаги олган маълумотларга асосланиб қуйидаги хулосалар чиқардик.

1. Улоқларни тирик вазнлари улар оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқ шу сабабли улар орасида бу кўрсаткич бўйича фарқ мавжуд.
2. Улоқларни ўсиши ва ривожланиши жинси бўйича бир текис эмас эркакларини вазнлари урғочи тенгқурларига нисбатан устунлик қилмоқда.
3. Ёш улоқларни ўсиши ва ривожланиши тез ҳолатда ўтади ва асосан 1,5 ёшгача давом этиб сўнг пасайиб қолади.
4. Ёш организмларни абсолют ва суткалик ўсиши то 9 ойлигигача жуда яхши кечган ундан сўнг эса пасайиб қолмоқда, шу жумладан тана ўлчовларида ҳам ўзгаришлар кузатилган.
5. Ўсиши ва ривожланиши бўйича такалар урғочи улоқлардан устунлик қилмоқда бу ҳолат кузатилган даврлар бўйича давом этди.
6. Улоқларни ўсиш ва ривожланиши онасидан туғилганидан то 1,5 ёшгача бир текис эмас, улар онасидан ажратулгунича жуда яхши ўсиб ривожланади сўнг эса сусайиб қолади бунга уларни озуқаланиши катта таъсир кўрсатмоқда.
7. Бу ишни тўғри олиб бориши хўжалигимизга 1864-2419 минг сўмгача соф фойда келтирди ва рентабеллик даражаси 22,7 ва 29.5 фоизни ташкил этди.

VII.Тавсия

Олган маълумотлардан кўринадикки улоқларни тўғри ўстириш ва ривожлантириш улардан ишлаб чиқариладиган махсулотга (тирик вазнига) ижобий таъсир кўрсатмоқда ва уни доимо назорат бўлиши хўжалик учун жуда зарур. Шуларни инобатга олиб ишлаб чиқаришга бўлган тавсиямиз куйидагилардан иборат.

1. Хўжалигимизда селекция ишларини давом этириш ва парваришlashга ўрта ёшдаги она эчкиларини улоқларини қолдириш.
2. Ёш эчкилардан олинган улоқларни тўғри ўстириш учун уларга кулдан қўшимча омухта ем озуқа бериш.

VIII.Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни чора-тадбирлари тўғрисидаги 308 қарори Тошкент 24-март 2006 й.
2. Каримов И.А “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорва махсулотларни ишлаб чиқаришни янада ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 842 сонли қарор Тошкент 23 апрел 2008 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти озиқ-овқат етиштирадиган элинлар олинадиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни кўпайтириш тўғрисидаги 4041 сонли қарори Тошкент 2008 й.
4. Каримов И.А Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чора-тадбирлари” Тошкент 2009 й.
5. Дарвин Ч. Изменение домашних животных и растений Соч Т.12 А.Н. Россия Москва-Ленинград 1951 с 747.
6. Борисенко Е.Я. Разведения сельскохозяйственных животных М. 1967.
7. Лесси Д.Ж. Изменчивость признаков у животных «Генетические основы селекций сельскохозяйственных животных М. 1982 с 110-126.
8. Зеленский Г.Г Козоводство Изд “Колос” М. 1971 с13-22.
9. Зоритовский В.С Промышленное овцеводство М 1980.
- 10.Зоритовский В.С Промышленное овцеводство М 1980.
- 11.Имбис Б.Г Направленное выращивание сельскохозяйственных животных Сельхоз М 1955. С 45-50
- 12.Мамадалиев Ф.Х, Абдукаримов Н.И, Нечаметули Р.С Узбекистан тўқ-кўкранг тивитли эчкиларни парваришлаш ва наслчилик ишларига доир тавсиялар Тошкент 1990 4-6 б.

- 13.Сувонкулов Б.А, Ходжибеков С.С, Джасимов Ф, Шоймуродов Н.
Ўзбекистонда эчкиларни парваришлаш, озуклантириш ва наслчилик
ишлари бўйича тавсиянома Тошкент 2013 5-7 б.
- 14.Момедов И.Г Наш опыт доения тонкорунных овец. Ж. «Овцеводство»
1969 №3.
- 15.Сафаргалиев Т. Энергия роста и развития молодняка гиссарской
породы овец в зависимости от возраста маток сб. науч. Тр. Душанбе
1986.
- 16.Селянин Т.И Прогиозирование продуктивные свойств овец пароди
перекоз меж вузовский сборник науч трудов 1987.
- 17.Нежлученко Т.И Влияние сраков отбивки на рост и развитие ягнят
асканийской тонкорунной породы овец. сб. науч тр. М 1987